



БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРДА ИЛМИЙ-КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Исмоилова Ю.Т.

Қарши давлат университетипедагогика кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ижодкорлик, компетентлилик, инновация, ижодий фикрлаш, ижодий қобилият, импровизация, ижодий салоҳият.

Ключевые слова: креативность, компетентность, новаторство, творческое мышление, творческие способности, импровизация, творческий потенциал.

Key words: creativity, competence, innovation, creative thinking, creativity, improvisation, creativity.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида кўп қиррали ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Бу эса ўз навбатида бўлажак тарбиячиларни шакллантиришга янгича ёндашувни талаб этади. Бутун дунёда булгани сингари юртимизда ҳам таълим мақсадлари соҳасида кечаётган ўзгаришлар, инсоннинг ижтимоий оламга киришини таъминлашга қаратилган глобал масалаларга мос келади. Хусусан, таълим тизимини такомиллаштириш ҳужжатларида ижодкорлик сифатлари таълим мазмунини янгилашнинг муҳим бир концептуал ҳолати дея эътироф этилмоқда. Таълим тизимида касбий ижодкорлик сифатларини ривожлантириш учун реал ҳаётда ва касбий амалиётда асосий компетентлигини қўллаш қобилиятига эга бўладиган кадрларини тайёрлаш зарур вазифалардан биридир.

Мақтабгача таълим ва тарбия тизимида фаолият олиб бораётган мутахассис ёш авлодимизни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тайёрлашга эришиши ва уларда ахлоқий-эстетик маданиятни ривожлантиришнинг инновацион усулларини ўзлаштирган муҳим, фахрли иш билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ижодий истеъодларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Бўлажак тарби-



ячиларнинг асосий вазифаларидан бири ёшларнинг ташаббуслари, инновацион ғоя ва фикрларини, истеъдод ва иқтидорини ўз вақтида кўра олиш ва уни руёбга чиқариш учун кўмаклашишдан иборатдир. Ёшлардан ижодкорлик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш орқали юксак маънавиятли етакчи ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакат тараққиёти ва унинг истиқболи учун йўналтириш талаб этилади. Бугунги кунда бўлажак педагог тарбиячидан янгича фикрлаш, янгича муносабатлар талаб этилаётган экан, унинг билимдонлиги қай даражада эканлигини таҳлил қилиш ўта муҳим саналади. Бунда албатга бўлажак педагог тарбиячининг касбий билимдонлиги ва компетентлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2018 йилнинг 14 февралда мактабгача таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш буйича курилатган чора-тадбирлари натижадорлиги тахлиliga багишланган видеоселектор йигилишида тизимда фаолият олиб бораётган тарбиячиларнинг савияси, ҳамда куникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратдилар

Узоқ вақтлар давомида ижод – бу инсонга табиат эҳсон этган ноёб қобилият, у ҳар кимга ҳам берилмайди, деб ҳисобланиб келинган. Аслида ижод – бу инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш фаолияти бўлиб, унда инсон тафаккури, хотираси, тасавури, диққати ва иродаси фаол иштирок этади ҳамда бутун билими, тажрибаси ва истеъдоди намоён бўлади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижод – яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш маъноларини англатиб, бадий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти ҳамда яратувчилик фаолияти маҳсули, самараси эканлиги қайд этиб ўтилган.

С.Головин томонидан ишлаб чиқилган амалиётчи психолог луғатида ижод – янги қимматли ғояларни ишлаб чиқишнинг психик жараёни, янги моддий ва маънавий аҳамиятга эга неъматларни яратиш тарзида талқин этилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижодкорлик тушунчасига ижодкор иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик тарзида қисқа таъриф берилган.

Педагогик энциклопедик луғатда “Ижодий фаолият сифат жиҳатдан янгини яратишга доир инсон ёки жамоавий фаолият шакли. Ижодий фаолиятнинг зарурий шарти фикрнинг эгилувчанлиги, танқидийлик, идрок этишнинг яхлитлигида акс этади”, деб изоҳ берилган. Мазкур луғатда “ижод” ва “ижодкорлик” тушунчаларига алоҳида таъриф берилмаган.



Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида эътироф этилади.

Сўнгги вақтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда.


Креативлик – индивиднинг қайта ишлов бериш ва яратиш билан алоқадор хилма-хил фаолият турлари, ташаббускорлиги, фаоллиги, бошқа кишилар билан мулоқот жараёнида, ментал хатти-ҳаракатларигда намоён бўладиган ижодий салоҳияти ва қобилиятлари мажмуидир.

Республикамизда тарбиячиларнинг касбий ижодкорлиги соҳасида фундаментал тадқиқотларни амалга оширган олим Ш.Шариповнинг фикрича, ижодкорлик шахсда мустақил фикрлаш сифатлари намоён бўлишининг энг асосий ва фаол шакли ҳисобланиб, уни қуйидаги белгиларига кўра таснифлаш мумкин: ижод тури (техник, технологик, ташкилотчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, педагогик, дидактик, касбий, аралаш); ижод даражаси (моно ижод, мульти ижод, мега ижод); ижод қамрови (ихтисослик, мутахассислик, билим соҳаси, тармоқлараро, миллий, минтақавий, минтақалараро, халқаро); ижоднинг давомийлиги (қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли); ижоднинг шакли (инновацион, илмий-тадқиқотчилик, таълимий, инвестицион, аралаш); умумий жиҳатларига кўра (янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш; принципиал жиҳатдан янги ечимларни илгари суриш; янгиликни амалий қўллаш); яратилган ижод маҳсулининг маъноси ва мураккаблигига кўра (рационализаторлик таклифи; ихтиро; кашфиёт).

Ижодкорликни таснифлашга доир юқоридаги ёндашувдан маълум бўладики, ижодкорлик ҳамма вақт субъектнинг ижодий фаолиятини талаб этади. Шу билан бирга мазкур тушунчага берилган таърифлардан ижодкорлик ҳодисасини изоҳлаш мураккаб эканлиги англанади.

Шунингдек, таҳлил натижалари бўлажак тарбиячиларда илмий-касбий ижодкорликни ривожлантириш ижодий жараёни ташкил этиш, шахснинг ижодий салоҳияти, ижодий фикрлаш, ижодий фаоллик, ижодий қобилият ва ижодий фаолиятни таркиб топтириш билан ўзаро алоқадор эканлигини кўрсатди (1-расм).

Ижодий жараён ўзида иккита муҳим белгини акс эттиради. Улардан бири – интуиция (зеҳн, фаҳм-фаросат), иккинчиси – интуитив фикрлаш жараёнида қўлга киритirilган натижани расмийлаштиришдир. Фақат унинг самараси англанган ва интуитив ва мантиқий фикрлаш бирлиги сифатида мантиқий фикрлаш воситасида ишлаб чиқилганлик билан тав-



1-расм. Бўлажак тарбиячиларда илмий-касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг таркибий қисмлари

сифланади. Ижодий жараён турли даражада инсоннинг ижтимоий ташаббускорлигининг барча кўринишлари, асосан, унинг касбий фаолияти билан боғлиқ шаклларида мутлақ ўз аксини топади.

Ижодий салоҳият – бу мураккаб интеграл тушунча бўлиб, ўзида ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва ахлоқийлик доирасида турли соҳаларда фаолиятни амалга оширишга доир шахснинг билим, кўникма, қобилият ва шахсий интилишлари йиғиндисини акс эттирувчи табиий-генетик, ижтимоий-шахсий ва мантиқий компонентларни акс эттиради. Бўлажак тарбиячиларда ижодий салоҳият шахсий қобилият, билим, кўникмалар тизими сифатида шахсий ўзликнинг аҳамиятини англаш, ўқув фаолиятига ижодий ёндашув, ўз-ўзини намоён этишга интилиш, ҳаётий мақсадларнинг анланганлиги, ижодий фаолиятга йўналганликда намоён бўлади.

Ижодий фикрлаш инсоннинг муаммоли вазият шароитида объектлар ўртасидаги янги алоқаларни излаб топиш, мавжуд тажрибаларга асосланиб, янги ҳаракат усулларида фойдаланиш, муваффақиятли ечим топиши учун зарур жараён бўлиб, вербал-мантиқий, онг ости ва интуитив-амалий компонентлар бирлигини акс эттиради. Ижодий жараён тузилмасида ижодий фикрлаш мотивацияси асосий ўринни эгаллайди. У билиш ва субъектив аҳамиятга эга мотивларда ўз ифодасини топади. Ижодий фикрлашнинг асосий механизми интеллектуал фаолликдир. Интеллектуал фаоллик шахс ижодий салоҳиятининг муҳим таянч компоненти сифатида ақлий фаолиятнинг интеллектуал ва мотивацион омилларини акс эттиради. Ана шу жиҳат билан боғлиқликда интеллектуал фаоллик уч даражада намоён бўлади: репродуктив, эвристик ва креатив.

Бўлажак тарбиячиларда ижодий фаолликнинг намоён бўлиши илмий-касбий ижодкорликнинг куйидаги турларига тайёрлик билан тавсифланади: назарий – ижодий фаолиятнинг мазмун-моҳиятини хабардорлик, уни ривожлантириш ва кенгайтиришга интилиш, уни дефектолог фаолиятининг зарурий йўналиши сифатида эгаллаш; назарий-амалий – нафақат назарий билимларга эга бўлиш, балки бевосита шахсий тажри-



басида ижодий фаолият назариясини татбиқ этиш; ижодий-репродуктив – соҳага доир янгиликларни кузатиш, таққослаш, таҳлил этиш ва баҳолаш ёрдамида шахсий тажрибасини бойитиб бориш; новаторлик – ўзининг бўлажак касбий фаолиятига тайёргарлик жараёнида ижодий, инновацион ва оригинал қарорлар қабул қилишга ўрганиш, синовдан ўтказиш, ўз тажрибасини доимий ва мақсадга йўналтирилган тарзда янги элементлар билан бойитиб бориш асосида такомиллаштириб бориш.

Ижодий қобилият – бу янгилик яратиш зарурлиги ва мумкинлигини тушуниш, муаммони ифодалай олиш, ғоя фаразини илгари суриш учун керак бўладиган билимлардан фойдаланиш, фаразни назарий ва амалий тасдиқлаш, муаммони ҳал қилишни излаш ҳамда ечимини топиш, натижада янги оригинал маҳсулотлар яратиш (илмий кашфиёт, ихтиро, санъат асари, тавсифнома ва бошқалар) сифатлари мажмуидир.

П.Эргашев, Г.Гозобекова, Г.Байқунусовалар таъкидлаб ўтишганидек, шубҳасиз юксак ижодий қобилиятлар қандайдир ягона ва ҳатто неча омилнинг эмас балки педагогик-психологик шарт-шароитларнинг каттагина комплекси маҳсулидир. Бироқ ушбу инкор этиш қийин бўлган мулоҳазани эътироф қилиш, биринчидан, креативликни ривожлантирувчи бир қатор омилларни сунъий ҳосил қилишнинг иложи йўқ, дегани эмас, иккинчидан, психик тараққиётнинг компенсация қонунига кўра, муайян омилнинг етишмаётган таъсири бошқа омиллар билан муайян даражада қопланиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Хусусан, бир қатор тадқиқотларда махсус уюштирилган машғулотлар ёрдамида шахс ижодий қобилияти тараққиётида ижобий динамикага эришиш мумкинлиги исботланмоқда. Жумладан, талабалар билан арт-терапия ва импровизация усуллари воситасида амалий машғулотлар ўтказилганда креативликнинг қатор кўрсаткичлари бўйича сезиларли ўсишга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Ижодий фаолият – бу субъект фаолиятининг ўз меҳнатига (ишдан қониқиш, уни бажариш жараёнида янгиликка интилиш, муаммо ечимини топишда ижодий мотивация) муносабати ва масалани ижодий ҳал этиш (аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳамда фаолият усуллари янги ҳолатга мустақил кўчириш, муаммоли, маълум объектни янги функциясини кўра билиш) жараёнидир.

Ижодий фаолият ўзида қуйидаги муҳим жиҳатларни акс эттиради: тизим ичида ва тизим ўртасидаги билим ва кўникмаларни янги тизимга қисқа ва узоқ муддат ичида ўтказишни мустақил амалга ошириш; қутилмаган вазиятда (ҳолатда) янги муаммони кўра билиш; объект тузилиши-



ни кўра билиш; муаммони ҳал этишда муқобилликни ҳисобга олиш; янги муаммоларнинг ечимини излаб топишни ижодий фаолиятнинг аввалдан маълум бўлган усуллари билан уйғунлаштириш; муаммоларни ҳал этишда бутунлай янгича ёндашувни қарор топтириш.

Таҳлил натижалари асосида ижодий фаолият жараёни бу мустақил ўқув-билиш фаолиятининг энг юқори даражада намоён бўлиши бўлиб, у ўзгариб турувчи билим, кўникма ва муайян ижодий фаолият тажрибаси ҳамда билишнинг ижобий мотивлари шароитида мумкин бўлиши ҳамда шу асосда бўлажак ўқитувчи ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашни кўрсатди.

Шундай қилиб, касбий компетенцияда биз умумий, илмий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини, мактабгача таълим ва тарбия муассалари тарбиячиларининг касбий фаолиятидаги махсус касбий компетенцияларни ажратамиз. Бу компетенцияга асосланган ёндашув асосида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг асосий вазифасини ҳисобга олган ҳолда педагогика олий ўқув юртларининг мактабгача тарбия битирувчиларини касбий тайёргарлигини амалий йўналиши ва таълим сифатига қўйилдиган талабларни қайта кўриб чиқиш заруриятини белгилайди. Қўйилган вазифани ҳал қилиш самарадорлиги университетдаги ўқув жараёни ва ундаги иш амалиётини шакллантиришга боғлиқ.

Бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясини шакллантириш мутахассиснинг касбий ва шахсий ривожланишини фаоллаштирувчи омил сифатида олий таълим муассасасининг интеграцион ресурсларидан мақсадли фойдаланиш билан таъминланади.

Демак, бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педогогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атвори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида технологик ёндошувлар асосида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оилавий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.



2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б. – Б.176.
3. Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълими тизимида укувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография - Т.: «Фан», 2005. -131-б
4. Эргашев П., Гозибекова Г., Байқунусова Г. Тингловчиларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг усулбий жиҳатлари (усулбий қўлланма). Т., 2013. – 56 б.
5. Berdiyeva Gulobod Shonazarovna, Nargiz Irkinovna Djumayeva. «Гуманизация процесса профессионально-педагогической подготовки будущих учителей». *Образование и воспитание* 3 (2015): 1-2.
6. Begmatova Sevara Nematovna “The role and significance of specific competence types in the training of future teachers in modern education” ISBN 978-1-64945-234-4 DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.7527949>. CUTTING EDGE-SCIENCE 2022 Shawnee, USA November December
7. Исмоилова, Ю. Т. . Формирование педагогического мастерства и культуры речи будущего учителя в процессе профессиональной подготовки. *Образование и воспитание*. — 2015. — № 3 (3). — С. 9-11. — URL: <https://moluch.ru/th/4/archive/9/141/> (дата обращения: 15.02.2023).
8. I Yulduz, M Umida. Pedagogical Features of the Formation of Pedagogical Ethics in Future Teachers- *Бюллетень науки и практики*, 2021ю Related articles All 2 versions. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=ZW3KcwEAAA&authuser=1&citation_for_view=ZW3KcwEAAA:Y0pCki6q_DkC
9. Муродова, З. К. (2021). Развитие научного и профессионального творчества у будущих учителей. *Бюллетень науки и практики*, 7(4), 416-421.
10. Sattorova.M.A. The American journal of social science and education innavations // “Psychological Support Of Social Development Of Persons With Disabled Health In The Conditions Of Educational Inclusion”. The Usa Journals. Impact Factor. Volume 03 Issue 01-2021. №23 –P. 195-198.
11. Xujayarova N. S. Development of Professional Competence of Future Primary School Teachers on the Basis of a Creative Approach - As a Social Pedagogical Problem // *Journal Impact Factor Services for International Journals MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN* ISSN 2694-9970. Impact Factor: 7.525 Volume 23, April 2022, Pages 68-72 <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1188>